



Халқ сўзи

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 12 март, № 50 (8945)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФРАНЦИЯГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг таклифига биноан давлат ташрифи билан Париж шаҳрига келди.

Самолёт олдида Ўзбекистон етакчиси-ни Франция миллий таълим, олий таълим ва илмий тадқиқотлар вазири Элизабет Борн, Париж харбий округи кўмондони генерал Лоик Мизон ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

«Орли» халқаро аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига икки мамлакат

давлат байроқлари кўтарилди, faxрий қоровул саф тортиди.

Мамлакатимиз делегацияси жойлашган қароргоҳ олдида Францияда ўқиётган, ишлаётган ва илмий изланишлар олиб бораётган бир гуруҳ ватандошларимиз Президент Шавкат Мирзиёевни катта хурсандчилик билан кутиб олди.

Давлатимиз раҳбари улар билан самимий суҳбатлашди, ўқиш ва изланишларига муваффақият тилади.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 12 март кўнига мўлжалланган.

Дастурга мувофиқ, Елисей саройида олий даражадаги Ўзбекистон — Франция музокаралари бўлиб ўтади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари ЮНЕСКО бош директори Одри Азуле билан учрашув ҳамда Франциянинг етакчи компания ва банклари вакиллари билан давра суҳбати ўтказди.

Ў.А.

Ўзбекистон — Франция:

УМУМИЙ ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДАГИ ШЕРИКЛИК

Франция ривожланган индустриал-аграр мамлакат бўлиб, sanoat ишлаб чиқариши бўйича дунёда етакчи уринлардан бирини эгаллайди. Иқтисодий салоҳиятига кўра дунёнинг энг ривожланган етти давлати қаторига киради. Шунингдек, у ядровий давлат ҳамда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий беш аъзосидан бири, Европа Иттифоқи ҳамда халқаро майдонда муҳим роль ўйнайди.

Биз ва жаҳон

Франция Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 3 январда тан олган ва мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил 1 мартда ўрнатилган. 1993 йил 27 октябрда “Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида”ги шартнома имзоланиши билан муносабатларнинг кейинги динамикаси мустақамланди.

Президент Шавкат Мирзиёев-

нинг 2018 йил октябр ва 2022 йил ноябрь ойларидида Францияга расмий ташрифлари, шунингдек, Франция Президенти Эммануэль Макроннинг 2023 йил ноябрь ойида мамлакатимизга ташрифи барча соҳадаги сиёсий мулоқот ва ҳамкорликни изчил ривожлантиришга янги сурбат қўшди.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил ноябрь ойида Парижга ташрифи

чоғида икки давлат раҳбарлари юқори даражадаги ҳар томонлама шериклик муносабатларини ривожлантиришга келишиб олган эди.

Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги идоралараро даражадаги ҳамкорлик кенг йўналишларни қамраб олади. 2023 йил 2 ноябрь кўни Самарқанд шаҳрида икки давлат раҳбарлари иштирокида таълим, маданий мерос ва ичимлик суви таъминоти инфратузилмасини яхшилаш соҳаларига оид бир қатор келишувлар имзоланди. Бундан ташқари, муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтариш нияти эълон қилиниб, “яшил” энергия, хомашё қазиб олиш ва қайта ишлаш, инновацион қишлоқ ҳўжалиги, сув таъминоти, логистика, инфратузилмани ривожлантириш ва туризм соҳаларида янги йирик лойиҳаларни илгари су-

риш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Парламентлараро ҳамкорлик, делегациялар алмашинуви, икки мамлакат парламентларидаги дўстлик гуруҳлари фаолияти, парламентлараро бирлашмалар ва кўп томонлама парламент тузилмалари томонидан уюштирилаётган халқаро тадбирларда қатнашиш орқали изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Франция парламенти тарийларининг ўзаро ҳамкорлиги тажриба алмашиш, глобал ва минтақавий муаммоларни муҳокама этиш, шунингдек, кўп томонлама даражадаги шерикликни мустақамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ва Франция Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилмоқда, унинг ўн бешинчи давраси 2024 йил 27 май

кўни бўлиб ўтди. Унда икки давлат дипломатлари Ўзбекистон — Франция муносабатларининг бугунги ҳолати, олий даражадаги ўзаро ташрифлар чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш, шунингдек, ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини кенгайтириш масалаларини муҳокама қилди. Халқаро ва минтақавий муаммолар, шунингдек, турли даражадаги бўлажак қўшма тадбирлар жадвали ҳамда кун тартиби юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Франция БМТ, ЕХХТ каби халқаро тузилма ҳамда ташкилотлар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ҳар икки томон глобал ва минтақавий даражада хавфсизлик, тинчлик ва барқарорликни мустақамлашга ҳисса қўшиш истагини яна бир бор тасдиқлайди. ➡

Сенат қўмитасида

УЧ ОЙ САРҲИСОБИ



Ўтган қисқа давр мобайнида Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ўз фаолиятида соҳа учун муҳим бўлган тегишли қонунлар ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадида мутасадди вазирлик, идора ва жамоат ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, қўмита ҳўзуридаги экспертлар гуруҳи вакиллари иштирокида дастлабки тарзда қўриб чиқилди ҳамда уларнинг фикр-мулоҳазалари олинди.

Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидан Сенатга маъқуллаш учун киритилган қўмита йўналишига тааллуқли бўлган 9 та Ўзбекистон Республикаси қонунчи Сенат ялпи мажлисларига олиб чиқилди ва қизгин муҳокама қилиниб, 8 таси маъқулланди, 1 таси концептуал эътирозлар мавжудлиги боис рад этилди.

Давлат органлари ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг қонунларга риоя этиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва қарорлари, давлат дастури, Сенат ва унинг Кенгаши қарорларининг ижро этилиши ҳолати, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш каби қатор масалалар юзасидан қонун ҳужжатларининг ижроси қўмита аъзолари томонидан жойларга чиқиб ўрга-

нилди ва тегишли халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари иштирокида муҳокама қилинди.

Жумладан, Андижон, Жиззах, Наманган ҳамда Хоразм вилоятларида аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш, инвестицияларни фаол жалб этиш, экспортни қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар ҳолати ўрганилиб, тегишли вазирлик ва идораларнинг ахбороти эшитилди.

Бундан ташқари, қўмита томонидан “2025 йил учун Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мутасадди вазирлик, идора ва жамоат ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда қўмита ҳўзуридаги экспертлар гуруҳи вакиллари иштирокида дастлабки тарзда қўриб чиқилди. ➡

Фракциялар ҳаёти

БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФА ВА АНИҚ МАҚСАДЛАР

янгича ёндашув асосида ишлаш кераклигини тақозо этади

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йигилишлари бўлиб ўтди. Уларда дастлаб Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йигилишида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, фракциялар олдида турган устувор йўналишлар атрофлича муҳокама қилинди. Шунингдек, қўйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари ҳам атрофлича қўриб чиқилди.



Шаффофлик ва самардорлик — муҳим омил

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари Президентимиз томонидан Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йигилишида соҳада амалга оширилган ислохотлар, уларнинг натижалари таҳлил қилинган ҳолда, давлат ва жамият олдида турган долзарб масалалар, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш

йўллари бўйича кўрсатмалар берилганини айтишди.

ЎзЛиДеП ва унинг фракцияси илгари сурилган вазифалардан келиб чиқиб, коррупцияга қарши курашишда давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш бўйича барча чорани қўриши маълум қилинди.

Йигилишда “Фўқаролик жамияти институтлари давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими янада такомиллаштирилгани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қўриб чиқилди. ➡

ЖАМИЯТИМИЗ ИСТИҚБОЛИ ЯНАДА ЁРҚИН БЎЛАДИ

Кейинги йилларда мамлакатимиз миллий қонунчилиги такомиллаштирилиб, аёллар учун янада кенг имкониятлар яратилапти ва бу уларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллиги ошишига сабаб бўлмоқда. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, сўнгги 7-8 йил давомида биргина бошқарув соҳасида аёлларимизнинг улуши сезиларли даражада ошди.

Муносабат

Хусусан, 2017 йилда бошқарув соҳасида хотин-қизлар ўртача 20 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 35 фоизга етди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига янгидан сайланган депутатлар салмоғи 32 фоиздан 38 фоизга, Сенат аъзоларининг улуши эса 27 фоизга етиши Ўзбекистон тарихида энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Аёлларнинг давлат бошқаруви ва парламент

фаолиятидаги иштирокининг кучайгани жамият ривожига ҳам ижобий таъсир этаётганидан далолат беради. “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий фаоллигини кучайтириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, гендер тенгликни қарор топтириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича кенг қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. ➡



МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКА — ОЛАМШУМУЛ МАСАЛА

Сайёрамизда аҳоли сонининг тобора ошиб бораётгани ва иқтисодий тараққиёт йўлида энергиядан фойдаланиш кескин ортаётганини ҳисобга олсак, мавжуд энерготизимлар яқин келажада эҳтиёжни умуман таъминлаб бера олмаслиги аниқ. БМТ томонидан илгари сурилган энергоресурслар бўйича глобал ташаббус 2030 йилга бориб замонавий энергетик хизматлардан оммавий фойдаланишни таъминлаш, дунё энергоистеъмолини 40 фоизга пасайтириб, қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 30 фоизга ошириш каби учта асосий мақсадга эришишга мўлжалланган.

Мулоҳаза

Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда дунёда 675 миллион киши умуман электр энергияси тармоғига уланish имконига эга эмас (уларнинг 80 фоизи Африка мамлакатларида яшайди). Мутахассисларнинг қайд этишича, қайта тикланувчи манбалар — сув, қуёш, шамол энергиясидан ёппасига фойдаланиш ва бу орқали бутун Ер юзи аҳолисини арзон электр энергияси билан таъминлаш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда кўпгина мамлакатлар ўз олдига қуёш, шамол, сув энергияси каби

қайта тикланувчи манбалардан кенгроқ фойдаланишни мақсад қилиб қўйган. Бу иқтисодий тараққиёт барқарорлиги ва энергия хавфсизлигини таъминлаш, экологик мувозанатни сақлаш нўқтани назаридан электр энергияси олиншининг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Шунга қарамаздан, бугунги кунда глобал карбонат ангидрид ташламаларининг салкам 90 фоизи кўмир, нефть ва газ ҳиссасига тўғри келади. Қазилма ёқилғилар ҳали ҳам дунёдаги электр энергияси ишлаб чиқаришда устунилик қилмоқда. Муҳими, қайта тикланувчи энергия манбалари аллақачон сайёрамиз бўйлаб электр энергиясининг қарийб 29 фоизини таъминлаб берапти. ➡

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БАА ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 март кўни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Мўхаммад бин Зоид Ол Наҳаёни таваллуд кўни билан самимий табриклади.

Мамлакатимиз етакчиси БАА Президентига мустақам соғлиқ ва фаровонлик, давлатчилик фаолиятида катта муваффақиятлар, дўст Амирликлар халқига тинчлик-осойишталик ва раванқ тилади. Давлат раҳбарлари бутун мусулмон уммати учун муқаддас бўлган Рамазон ойи муносабати билан ҳам бир-бирларини самимий қўтладилар.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил январь ойида БААга амалга оширган ташрифи икки томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа очиб, уларни стратегик шериклик даражасига кўтаргани алоҳида таъкидланди. Эришилган келишувларни амалга ошириш учун алоҳида «Йўл харитаси» қабул қилинди.

Етақчилар Ўзбекистон билан БАА ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик, энг аввало,

савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳаларда жадал ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этдилар. Товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажми, қўшма корхоналар сони изчил ортиб бормоқда.

Бугунги кунда 20 миллиард долларлик лойиҳалар портфели доирасида Амирликларнинг етакчи компаниялари билан «яшил» энергетика, рақамлаштириш, сунъий интеллект, шаҳар-созлик ва инфратузилма, туризм, хусусий бизнес каби муҳим йўналишларда фаол ҳамкорлик қилинмоқда.

Самарқанд шаҳрида «Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши» мулоқотининг иккинчи саммитини ўтказиш масалалари ҳам қўриб чиқилди.

Ў.А.

Даъват

ТАМА ҚИЛГАН КИМСА ЕТМАС МУРОДГА

Эшит, оға-ини, дўсту биродар,
Миллат — ҳақ кўнчилир, ўзига беқдир.
Бу сўзларни ўқсанг, мағзини қақсанг,
Билгил, коррупция ёмон илатдир.

Кимларнинг йўлига тузоқ қўрган ул,
Ҳар вақт ўз фойдасин пойлаб турган ул,
Не-не “мен” деганни йўлдан урган ул,
Билгил, коррупция ёмон илатдир.

Дунё мулки каби қулиб боқадир,
Маккор жувон каби қошин қоқадир,
Бир кун ор-номусинг ўтда ёқадир,
Билгил, коррупция ёмон илатдир.

Бир кун орзу-ҳавас устун келганда,
Марвариду зарни кўзинг кўрганда,
Тортиб тузоғига айлағай банди,
Билгил, коррупция ёмон илатдир.

Муҳташам саройлар, биллур қандиллар,
Кўнгли не тиламас, ёнади диллар,
Қопқонига тушсанг, гунг бўлар тиллар,
Билгил, коррупция ёмон илатдир.

Ҳалол ота-онанг, ният ҳақ эди,
Дўст, қадрдон сендан кўнгли тўқ эди,
Магар ул қиз буни қутган йўқ эди,
Билгил, коррупция ёмон илатдир.

Бўлиб оқибати қўлга тушарлар,
Қўлга тушса ўтда ёниб, пишарлар,
Одил қози оғир жазо берарлар,
Билгил, коррупция ёмон илатдир.

Дерларки, қуёни қамиш ўлдирар,
Жасур азаматни номус ўлдирар,
Бошим эгмаласин десанг сен азар,
Билгил, коррупция ёмон илатдир.

Қабул эт “ҳалоллик вакцинаси”дан,
Тўғрилиқ йўлдошинг бўлғайдир мудом,
Ҳатто яқин ўтми унинг ёнидан,
Билгил, коррупция ёмон илатдир.

Кўчада ич ҳалол бўлса гар ошинг,
Шаффоф ишбилармон кулсин, линасин,
Ота-онанг нолиб, эгмаласин бошин,
Билгил, коррупция ёмон илатдир.

Ҳалолликка даъват этди Юртбоши,
Чароғон бўласин деб диллар қўшини,
Поқлик — бу миллатнинг чин тамал тоши,
Билгил, коррупция ёмон илатдир.

Тама қилган кимса етмас муродга,
Оқибат қолғайди ул ёмон оти,
Дўстим, бу пандимни тут дам ёдда,
Билгил, коррупция ёмон илатдир.

Кенесбой КАРИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Қорақалпоғистон халқ шоири,
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутаты.

Ўзбекистон — Франция:

УМУМИЙ ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДАГИ ШЕРИКЛИК



Франция Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ишончни мустаҳкамлаш, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш, шунингдек, Европа Иттифоқи билан кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги янги битимни тезроқ имзолаш борасидаги саяёҳаракатларини янада қўллаб-қувватлашга тайёр.

Икки давлат савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини ривожлантиришдан ўзаро манфаатдор. Ўзбекистонда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити ва сармоявий имкониятлар француз бизнеси вакиллари тобора қизиқтирмоқда. Ўз навбатида, Ўзбекистон Франция технологияларини жалб этиш, саноат ва ишлаб чиқариш соҳаларида илгор тажрибалардан фойдаланиш, ўзаро сыйёҳлик алмашинуви кенгайтиришдан манфаатдор. Ўзбекистон Европа Иттифоқининг "GSP+" имтиёзли тизимининг бенефициари макomini олгани савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш учун янги имкониятлар очди. 2024 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми аввалги йилдагига нисбатан 14 фоизга ошиб, қарийб 1,2 млрд. долларга етди. Бугунги кунда мамлакатимизда француз шериклар иштирокидаги 50 та корхона, жумладан, 23 таси 100 фоиз француз капитали билан фаолият юритмоқда.

"Total Eren", "Veolia", "EDF", "Orano", "Lactalis", "Carrefour" ва "Shiever" каби жаҳон миқёсидаги компаниялар Ўзбекистонда энергетика, геология-қидирув, озик-овқат саноати ва чакана савдо соҳаларида фаол ишлаётган. Франция тараққиёт агентлиги (ФТА) Ўзбекистонда шахар инфратузилмаси, "яшил" иқтисодиёт, санитария, гидроэнергетика ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳаларида иштирок этади. 2022 йилнинг ноябрь ойида ФТА билан 2023 — 2025 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланган бўлиб, у 1 млрд. евролик лойиҳаларни амалга оширишни кўзда tutади.

2023 йилнинг ноябрь ойида Самарқандда ва 2024 йил май ойида Парижда француз компанияларининг 60 нафар раҳ-

бари иштирокида ўтказилган Ўзбекистон — Франция ҳамда "МЕДЕФ Интернациональ" тадбиркорлик ҳаракати билан икки томонлама бизнес форумлари, улар натижасида имзоланган келишувлар ишбилармонлик ҳамкорлигини кенгайтиришдан ўзаро манфаатдорлик юқори эканини яна бир бор тасдиқлади.

2024 йил 4 июнь куни Париж шаҳрида 10-мажлиси бўлиб ўтган Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда муҳим ўрин тутди. Ушбу платформадаги мулоқот ҳамкорлигининг янги ўзаро манфаатли йўналишларини аниқлаш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш истиқболларини муҳокама қилиш имконини беради.

Ўзбекистон ва Франция маданий-гуманитар ҳамкорлигини мустаҳкамлашга, маданиятлараро мулоқотни ривожлантиришга, таълим, фан ва соғлиқни сақлаш соҳаларида шериклик қилишга интилоқда, бу эса ҳар икки маданиятни бойитиш ва халқлар ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

2022 йил ноябрь ойида машҳур Лувр музейида Ўзбекистоннинг бой маданий меросига бағишланган "Ўзбекистон воҳалари хазиналари. Карвон йўллари чорраҳасида" кўргазмасининг очилиши маданият соҳасидаги ўзбек — француз ҳамкорлиги тарихидаги ёрқин воқеа бўлди. 2023 йилнинг мартига давом этган кўргазмада Ўзбекистондаги 16 та музейдан 138 та ноёб ашё, шунингдек, Франция, Буюк Британия ва АҚШнинг йирик музейларидан 31 та экспонат ўрин олди. Ушбу кўргазма билан бир вақтда Араб дунёси институтида "Самарқандга йўл. Ипак ва олтин мўъжизалари" кўргазмаси бўлиб ўтди. Ушбу муваффақиятли ўтказилган йирик маданий тадбирлар Франция ва халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланди.

Шу билан бирга, 2023 йил сентябрь ойида "Абу Райхон Беруний. Географик ва интеллектуал саёҳатлар" мавзусидаги кўргазма ҳам европаликларнинг

эътиборини тортди ва Ўзбекистоннинг илмий меросини яна бир қарра кенг тарғиб қилиш имконини берди.

Таълим ва фан соҳасида, айниқса, Ўзбекистон таълим муассасаларида француз тили ва адабиётини ўрганиш борасида ҳамкорлик муваффақиятли ривожланмоқда. Айни пайтда юртимиздаги 602 та мактабда 141,3 мингдан ортқ ўқувчилар, шунингдек, 11 та олий ўқув юр-

лан ҳамкорликда фуқаро авиацияси учувчиларини тайёрлаш мактаби фаолият юритмоқда.

2023 йил ноябрь ойида Франция Президенти Эммануэль Макроннинг Ўзбекистонга таширифи доирасида Самарқанд шаҳрида "Франция альянси"нинг иккинчи филиали очилди.

Ўз навбатида, Сорбонна университети хузуридаги Миллий Шарқ тиллари ва цивилизациялари институтида ўзбек тили

ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва Абу Райхон Беруний хайкаллари ўрнатилди ва "Ўзбек боглари" барпо этилди.

Илмий ҳамкорлик ҳақида сўз борганда, Темурийлар даври санъати ва тарихини ўрганиш ассоциацияси ҳамда "Авиценна-Франция" уюшмасининг Франциядаги фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу уюшмалар Ўзбекистон маданий ва илмий меросини ўрганиш ҳамда уни Франция жамоатчилиги орасида кенг тарғиб қилишга катта хисса қўшаётир.


Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик ҳам изчил кенгаймоқда. 2022 йил март ойида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Париж марказий шифоналари тармоғи — "AP-HP" билан шошилишч тиббий ёрдам, педиатрия, гинекология, гематология ва онкология соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзолади.

2023 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги делегацияси Париж шаҳрида бўлиб ўтган форумда иштирок этиб, унинг доирасида тиббиёт соҳасида фаолият юритувчи компаниялар вакиллари билан учрашувлар ўтказди ва яқунлари бўйича тегишли шартномалар имзолади.

Францияда ҳам ўзбек спортининг анъанавий тури — миллий курашга қизиқиш жуда юқори. Хусусан, 2022-2023 йилларда Париж шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун кураш бўйича икита халқаро турнир ўтказилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон — Франция муносабатлари жадал ривожланиб, сиёсат ва иқтисодиётдан тортиб, фан, маданият ва таълимгача бўлган кенг қўламли соҳаларни қамраб олган. Шу нуқтани назардан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Францияга давлат таширифи икки томонлама ҳамкорлик тарихидаги муҳим воқеа бўлиб, илгари суриладиган янги ташаббус ва имзоладинадиган келишувлар ўзаро шериклигини янада юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

«Дунё» АА.



САВДО-ИҚТИСОДИЙ ВА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Бугунги кунда Ўзбекистон — Франция ўртасидаги ўзаро манфаатдорлик ҳамда ҳурматга асосланган дўстона муносабатлар жадал ривожланиб бормоқда.

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази таҳлилларига кўра, сўнгги 8 йил ичида икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамда инвестициявий ҳамкорлигининг ривожланиш динамикаси ўсишда давом этапти.

Жумладан:

■ 2017 — 2024 йилларда мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми **4,4 баробар, 257,2 млн. доллардан** (2017 й.) **1,13 млрд. доллар**га ошди;

■ ўтган йили экспорт **795,1 млн. долларни**, импорт эса **336 млн. долларни** ташкил этди;

■ шу билан бирга, 2017 — 2024 йилларда Франциядан Ўзбекистонга кiritилган тўғридан-тўғри инвестициялар ва кредитларининг умумий ҳажми **654 млн. АҚШ долларига** етди;

■ аини пайтда мамлакатимизда Франция инвестицияси иштирокида **50 та корхона** фаолият юритмоқда.

Факт ва рақамлар

ДАВЛАТЛАР ТАҚДИРИ ВА ЮКСАЛИШИНИ БЕЛГИЛОВЧИ АСОСИЙ КУЧ

Самарали халқаро ҳамкорлик — бу дунёда барқарор, ишончли ва фаровон тараққиётнинг муҳим омилidir. Айнан шундай ёндашув замонавийнинг долзарб муаммоларини баҳамжиҳат ҳал этиш, янги хавф-хатар ва ижтимоий парзалардан ҳимояланиш учун энг аниқ, мақбул ва натижадор йўл ҳисобланади. Шу маънода, бугунги кунда Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги дипломатик алоқалар тобора кенгайиб, икки мамлакат ўртасида шериклигининг янги уфқлари очилмоқда. Савдо-иқтисодий, таълим, фан ва саноат соҳаларидаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Нуктаи назар

Ўтган йиллар давомиди имзоланган қўллаб шартнома ва келишувлар иқтисодиётнинг турли тармоқларида, жумладан, машинасозлик, энергетика, кимё, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва туризм йўналишидаги икки томонлама муносабатнинг мустаҳкам асосини яратиб келмоқда. Савдо-иқтисодий, инновация, таълим, фан ва маданий-гуманитар соҳаларда эришилган келишувлар Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан алоқаларни кенгайтириш йўлида дадил одимлаётганидан далолатдир.

Бу борада ҳар икки мамлакат учун ҳамкорлигининг муҳим йўналиши бўлган илм-фан, таълим соҳасидаги шериклик жадал ривожланаётгани эътиборга молик. Зеро, замонавий дунёда уларнинг роли тобора ортиб бормоқда. Бу борадаги ҳамкорлик эса мамлакатларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига бекиёс хисса қўшади.

Хусусан, кунча Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган "Илм-фан ва таълим: Ўзбекистон — Франция кўприги" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция ҳам мамлакатларимиз ўртасида мазкур йўналишдаги ришталарнинг янги босқичини бошлаб бериши билан эътиборга молик.

Конференцияда Франция ва Ўзбекистоннинг 30 дан ортққ олий таълим муассасаларининг раҳбарлари иштирок этди. Тадбирнинг асосий мақсади икки мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантириш, айниқса, илмий-техник ва таълим соҳаларида ҳамкорлигини мустаҳкамлашдир.

Мазкур анжуман доирасида икки давлат олий таълим муассасалари шериклигининг ҳозирги ҳолати ва истиқболли йўналишлари хусусида фикрлашилди, бир қатор манфаатли шартномалар, битим ва келишувлар имзоланди. Жумладан, Фаргона давлат университети ва Пуатье университети ўртасида аниқлашув меморандуми имзоланди. Эндиликда бу келишув доирасида профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви, малака ошириш, қўшма таълим дастурлари ва илмий тадқиқот ҳамкорлиги йўлга қўйлади. Шунингдек, Фаргона давлат университети ва Франциянинг "ISC" бизнес мактаби ўртасида имзоланган таълим ва тадқиқот соҳаларида ҳамкорлик меморандуми — академик мобиллик, қўшма тадқиқотлар, илмий конференциялар ва семинарлар ташкил этиш, ҳар икки тарафнинг самарали алоқалари учун мустаҳкам замин яратди.

Анжуман доирасидаги "Ўзбек — Франция университети" мавзусидаги сессияларда таълим муассасалари раҳбарлари ва халқаро экспертлар ўртасида мулоқот учун муҳим майдон яратилди. Унда янги Ўзбекистоннинг ёшлар билан ишлаш бўйича миллий тажрибасини дунёнинг энг ривожланган мамлакатли вакилларига улаштириб бизга ўзгача факр ва гурур бағишлади.

Аёнки, XXI асрга келиб, дунёда инсон капитали масаласи кун тартибига чиқди ва мустаҳкам ўрин эгаллади. Мамлакатлар рейтингини белгилашда асосий талаблардан бири ҳам инсон капиталидир.

Уни ривожлантириш ва креатив ёш авлодни тарбиялаш — янги Ўзбекистоннинг ўз олдига қўйган стратегик вазир



фаларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда "инсонга эътибор", "инсон кадри учун" тамойиллари асосида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш ва ватанпарвар этиб тарбиялаш бўйича шиддатли ислохотлар амалга оширилди, ўзига хос миллий тахриба яратилди.

Мамлакат тараққиётининг янги даврида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг билим олиши, меҳнат қилиши, ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариши учун барча шароитни яратиш давлат сиёсатида кўтарилди. Ўтган давр мобайнида ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган, улар ҳаётига бевосита тааллуқли бўлган қонун, Фармон ва қарорлар имзолангани мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаб, халқаро майдонда рақобатга кириша оладиган барқарор шахсларни тарбиялашга ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Такорр бўлса-да, шу ҳақда мухтасар тўхталиб ўтсак. Аввало, аҳолисининг 60 фоизини 30 ёшгача бўлган авлод ташкил этётган Ўзбекистонда янгича ёндашувлар асосида ёшлар билан ишлашнинг ҳуқуқий асоси ишлаб чиқилди. Жумладан, 2016 йил 16 сентябрда "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

2023 йилда имзоланган янги тахрирдаги Конституциямизга давлат ёшларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид модда киритилди.

Ёшлар билан ишлаш бўйича институционал тизим шакллантирилди.

2017 йил 30 июнь куни Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди ва ушбу кун "Ёшлар кунин" деб эълон қилинди.

Шунингдек, 2020 йилда навқирон авлод билан ишлаш бўйича мувофиқлаштирувчи асосий ташкилот — Ёшлар ишлари агентлигига асос солинди. Илгитқизларни рабатлантириш ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Барчамизга яхши аёнки, 2017 йилдан Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича стратегиялар ишлаб чиқилиб, шу асосда пухта ўйланган ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси қабул қилинди. Ушбу стратегияларда ёшларга оид давлат сиёсати бўйича ислохотлар белгиланди.

БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига ўйғун ҳолда ишлаб чиқилган "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида 2030 йилгача мактаб битирувчиларини камда 2 та хорижий тил ва 1 та касб эгаллашини таъминлаш, уларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини камда 50 фоизга етказиш, ишсизлик даражасини 14 фоиздан 11 фоизга қамайтириш, IT соҳасида 300 минг нафар ёшни иш билан таъминлаш, оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш орқали ёшлар қаровини 8 миллиондан ошириш каби долзарб вазифалар белгилан бўйилди.

Кейинги йилларда таълим тизими тубдан ўзгарди. Ўтган олти йилда мактабда таълимдаги қармов 21 фоиздан 70 фоизга, олий таълимда эса 9 фоиздан 42 фоизга етди.

Олий таълим муассасаларида хотин-қизларга шартнома тўлови давлат томонидан қоплаб берилаётгани ҳисоби уларнинг сони 11 қарра қўйди. Масалан, Фаргона давлат университетида талабалар сони сўнгги етти йилда 6 баробар ошиб, 30 минг нафарга етди.

Ўз соҳаларида муваффақиятга эришаётган ёшлар сафи тобора кенгаймоқда. Биргина мисол, ҳозирги вақтда дунёдаги нуфузли университетларда

Ўзбекистоннинг 1,5 мингдан зиёд йигит-қизлари тахсил олмоқда.

Аввалги 25 йил ичида давлат ҳисобидан 800 нафар талаба хорижга ўқишга кетган бўлса, биргина "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали сўнгги етти йилда 2,3 минг нафар ватандошимиз шундай имкониятга эга бўлди.

Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича манзилли тизим яратилди. 2020 йилда ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик ва бошқа турдаги қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлганларнинг муаммоларини аниқлаш, бар-тараф этиш ва назорат қилиб бориш бўйича 20 турдаги ижтимоий ёрдамни қамраб олган "ёшлар дафтари" жорий этилди. Ушбу тизим орқали 2024 йилда 180 минг нафар йигит-қизга 345 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар билан ишлаш бўйича ташаббуслари халқаро миқёсда ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Ана шундай ташаббуслар асосида 2023 йил 14 сентябрь куни Марказий Осиё давлатлари ўртасида ёшларга оид сиёсатининг умумий йўналишлари тўғрисидаги битим тўзилди.

2023 йил 19 сентябрда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида Президентимиз томонидан бу соҳада БМТ ва унинг ихтисослаштирилган тузилмалари билан самарали ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Марказий Осиё ёшларини ривожлантиришга қўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этиш ва унинг доирасида "Марказий Осиё ёшларининг кун тартиби — 2030" дастурини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Демакки, янги Ўзбекистонда ёшлар билан ишлаш бўйича янгича механизмлар жорий этилиб, миллий тахриба яратилди. Натижада Ўзбекистон БМТнинг "Ёшлар — 2030" стратегиясини жадал амалга ошираётган 10 та давлат қаторидан жой олди.

Янги Ўзбекистоннинг ёшлар билан ишлаш бўйича яратган янги механизми дунё бўйлаб ўз эътирофини топмоқда, таълимга эътибор эса мамлакат истиқболига дахлдор масала ҳисобланади. Илгга чанқоқ, интилувчан ёшларнинг иктидорини вақтида англаб, ғояларини қўллаб-қувватлаш, уларга қўмақ бериш эса бизнинг асосий вазифамиздир.

Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ,
Фаргона давлат университети ректори, профессор.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигида кўзи ожиз ёшлар учун замонавий қурилмаларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

УЧ ОЙ САРҲИСОБИ

Шу билан бирга, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-мухитни асраш ва яшил” иқтисодиёт йили”да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳаси муҳокама қилиниб, дастур лойиҳаси бўйича тақлифлар тайёрланди ва тегишли тартибда тақдим этилди.

Жисмоний ва юридик шахслар вакилларини қабул қилиш ҳамда муурожаатларни кўриб чиқиш самарадорлигини ошириш ҳам доимий диққат-марказимизда. Хусусан, Сенатнинг фуқаролар қабулхонасида фуқароларни қабул қилиш жадвалига асосан иш ташкил қилиниб, аҳоли

томонидан кўтарилган муаммоларнинг ижобий ҳал этилиши юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар масъулларига тегишли кўрсатмалар берилди ва ўз навбатида, улар кўмита назоратига олинди. Умуман, шу давр ичида кўмита томонидан 110 га яқин муурожаатлар кўриб

чиқилиб, 45 таси ижобий ҳал этилди.

Шунингдек, кўмита аъзолари томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига атрофлича тушунтириш, давлат дастури лойиҳаси тўғрисида фуқароларни хабардор этиш мақсадида ОАВда 170 дан ортиқ чиқишлар қилинди.

«Халқ сўзи».

ЖАМИЯТИМИЗ ИСТИҚБОЛИ ЯНАДА ЁРҚИН БЎЛАДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги байрам табригида уй-рўзор ишлари ва фарзанд тарбиясидаг ортиб, таълим олаётган, меҳнат қилаётган ва тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизлар замонамизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари, десак, тўғри бўлади, деган таърифи ҳар биримизни қувонтирди. Чунки ҳар бир даврнинг ўз қаҳрамонлари бўлади. Аёлларимиз эса ҳам рўзгорни, ҳам ишни, ҳам бола тарбиясини бирдек олиб бориши билан ҳамма даврларнинг қаҳрамонларидир.

Давлатимиз томонидан аёлларнинг бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш йўлида ўтган йилда ҳам талай салмоқли ишлар амалга оширилди. 2024 йилнинг ўзида бу мақсадлар учун 17 трлн. сўм кредит ажратилди. Бунинг натижаси уларок, аёл тадбиркорларимиз ўтган йили 81 трлн.

сўмлик маҳсулот яратиб, 450 млн. долларлик экспортни удалашга муваффақ бўлди. Ушбу суръатни янада жонлантириш мақсадида Президентимиз йиғилишида Савдо-саноат палатаси ҳузурида Тадбиркор аёллар кенгашини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди ва кенгашнинг жойларда аёл тадбиркорларни қийнаётган ҳаётий муаммоларни ҳал қилиш бўйича тўридан-тўри парламент билан ҳамкорликда иш олиб бориши мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади.

Бу йилги режалар янада улкан. Жорий йилда 2 миллион нафар аёлнинг бандлигини таъминлаш, шундан 1 миллион 300 минг нафар хотин-қизни тадбиркорликка жалб этиш бўйича тижорат банклари томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун қўлай молиявий пакетлар тақдим қилинади. Маҳаллаларда уларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун қўшимча 3,3 трлн. сўм ажратилади.

Шунингдек, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича 4 босқичли янги тизимни йўлга қўйиш ва уни амалга ошириш механизмлари кўрсатиб ўтилди ҳамда 60 та тумани “ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудуд”га айлантириш бўйича катта маралар белгилаб олинди. Хотин-қизларни касб-хунарга ўқитиш, ишли қилиш ва тадбиркорлиқни ривожлантириш ҳисобидан 2 млн. нафар аёлнинг бандлигини таъминлаш каби катта мақсадлар режалаштирилди. Албатта, бу мақсадлар қоғозда қолиб кетадиган шунчаки режалар эмас. Улар ҳаётга таъбиқ этила бошланган ва бугун ўзининг ижобий самараларини ҳам бермокда.

Жамила БОБОНАЗАРОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Халқроқ муносабатлар,
ташқи иқтисодий алоқалар,
хорижий инвестициялар ва
туризм масалалари
қўмитаси аъзоси.

ТАБИАТНИ АСРАШ — БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Бугун инсоният иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ ўта таҳликали замонда яшамокда. Улар, авваламбор, атроф-мухит ифлосланиши, ер деградацияси, сув ресурсларининг қисқариши, ичимлик суви танқислиги ва биологик хилмаҳилликнинг қисқариши кўринишида намён бўлмокда.

Фикр

Умуман, бугунги кунда бу масала бутун дунёда долзарб мазгуга айланган ва ақсарият мамлакатлар экология муаммосининг зарарли оқибатлари ва ҳалокатли эртаси борасида таъкидларини билдирмокда.

Мамлакатимизда ҳам атроф-мухитни мусадфо сақлаш, табиат ресурсларини асраш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмокда. Давлатимиз раҳбари парламент палаталари йиғилишидаги нутқида **“Атмосфера ҳавосига зарарли газларнинг ташлианиши, ҳаёт учун энг зарур бўлган сувнинг ифлосланиши, тупроқ эрозияси, чўлланги, қазилма ёқилғилардан самарасиз фойдаланиш биринчи навбатда глобал иқлим ўзгаришига, табиий оғдатларнинг тез-тез содир бўлишига олиб келиши ва бу эса ўз навбатида атроф-мухитга салбий таъсир кўрсатмокда, аҳоли соғлиғига зарар етказмокда”**, дея алоҳида таъкидлаган эди. Бу табиийки, ийрик корхоналарда экологик ишлаб чиқишга ўтисни қўллаб-қувватлаш тизимини жорий қилиш бўйича қонунлар яратиш зарурятини кун тартибига чиқармокда.

Боз устига, сўнгги йиллардаги глобаллашув жараёнининг кескин жадаллашуви атроф-мухит ҳолатига ҳам салбий таъсирини кўрсатмокда. Бу эса давлат экологик экспертизаси сиёсатини халқроқ меъёлар асосида олиб боришни ва табиий ресурслар билан боғлиқ саноат корхоналарига янгича экологик талаблар қўйишни тақозо этмокда.

Яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг **“Экологик экспертиза, атроф-**

мухитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисида”ги Қонуни, аввало, стратегик ҳужжатлар йилҳаларида белгиланган тадбирларнинг атроф-мухитга таъсирини олдиндан аниқлаш, баҳолаш, таҳлил қилиш ва чоралар кўриш имконини яратди.

Қонун билан давлат экологик экспертизаси институти қатнашчилари, яъни буюртмачи ва экспертларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, лойиҳачининг жавобгарлиги аниқ белгилаб қўйилмокда. Мазкур нормалар соҳанинг самарадорлиги ва сифатини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, қонун мамлакатимизда барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган вазифаларни тўлиқ амалга ошириш орқали экологик хавфсизликни таъминлаш, халқроқ мажбуриятларни тўлақонли бажариш ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган вазифаларга тўлиқ эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати — объектларнинг атроф-мухитга таъсирини бўйича тоифалари халқроқ талаблар асосида оптималлаштиришди. Ушбу механизм билан минглаб кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги бюрократик тўсиқларга барҳам берилди. Бу орқали тадбиркорларнинг ортиқча вақт ва молиявий харажатлари қисқартирилишига эришилди.

Мазкур соҳада халқроқ талаблар ва демократик таъминлилар жорий этиш ҳисобиға хорижий инвестор ҳамда маҳаллий тадбиркорлар учун экологик экспертиза институтининг ишончли ва очиклигини, шаффофлигини таъминлашға замин яратилади.

Анвар ТҲҲИЧЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва
экология қўмитаси раиси.

Мушоҳада

ШАФФОФЛИК ВА НАЗОРАТ — МУҲИМ ОМИЛ

Давлатимиз раҳбари бошчилигида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилишда Президентимиз ислохотлар ҳал қилувчи босқичға кирганини таъкидлаб, коррупциядан холи муҳит яратиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни кучайтириш зарурлигини қайд этди. Бу борада амалға оширилаётган ишлар жиддий баҳоланди ва тизимдаги камчиликлар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича аниқ тақлифлар илгари сурилди.

Мажлис давомида коррупциянинг асосий ўчоқлари, айниқса, маҳаллий даражадаги муаммолар кўтарилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, давлат органлари фаолиятини янада шаффофлаштириш ва назорат механизмларини кучайтириш масалаларига алоҳида ургу берилди.

Дарҳақиқат, коррупциянинг кенг тарқалиши мамлакат иқтисодиётига жиддий зарба беради. Инвесторлар ишонсиз муҳит сабабли янги лойиҳаларни амалға оширишдан қочишади, тадбиркорлар эса ноқонуний тўловларға мажбур бўлади. Бу эса иқтисодий ўсиш суръатларини пайсатиряда ва иш ўринлари камайишиға олиб келади.

Йиғилишда коррупцияға қарши самарали курашиш учун қуййдаги асосий йўналишларға эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Аввало, давлат идоралари фаолияти шаффоф бўлиши, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш, ОАВнинг фаоллигини ошириш зарур.

Коррупцияға қарши таълимнинг долзарблиги ёш авлоднинг ушбу иллатға нисбатан фуқаролик позициясини шакллантириш зарурати билан боғлиқ. Шу боис ҳам ёш авлодға ҳалоллик ва масъулият тўғрисида шакллантириш, коррупцияға қарши курашиш маданиятини болалиқдан синғдириш ҳам муҳимдир.

Жамиятда нурунийлар катта ҳаётий таърибға эга шахслар сифатида коррупцияға қарши курашда муҳим роль ўйнайди. Улар ёшларға ҳалоллик ва адолат таъминлиларини синғдиришда фаол иштирок этишлари лозим. Нурунийлар ўз сўзлари ва амалий ишлари орқали ҳалоллиқни тарғиб қилиши мазкур иллатға қарши кураш маданиятини шакллантиришда зарурий омил бўлиши муқаррар.

Умуман, Ўзбекистонда коррупцияға қарши кураш амалий ишлар босқичига чикди ва бу жараён узлуксиз давом этади.

Эркин ОМОНОВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар
Юнусобод тумани Кенгаши депутаты.

БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФА ВА АНИҚ МАҚСАДЛАР

янгича ёндашув асосида ишлаш кераклигини тақозо этади



У билан “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларға фуқаролик жамияти институтиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимда институционал ахлитлик таъминлианишини, давлат субсидиялари, грантлари ва ижтимоий буюртмаларига ажратилган бюджет маблағларини бошқаришнинг, жумладан, адолатли тақсимлаш, мақсадли фойдаланилишини назорат қилишнинг янги тартиби жорий этилишини назарда тутувчи ўзгартриш ва қўшимчалар киритилмокда.

Шу билан бирга, давлат органлари томонидан фуқаролик жамияти институтиларига бевосита давлат ижтимоий буюртмалари берилишининг янги механизмлари ва бошқа масалалар белгиланмокда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқаролик жамияти институтиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимидан институционал ахлитлик таъминлианишиға, шаффофлик ва самарадорлик ошишиға, ижтимоий шериклик муносабатлари ривожланишиға, шунингдек, жамоат фондлари фаолиятида ортиқча бюрократик талаблар қисқаришиға хизмат қилади.

Йиғилишда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Айрим ҳужжатларға қўшимча ва ўзгартришлар киритилмокда

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида таъкидланганидек, коррупция нафақат ислохотлар самарадорлиғига тўсиқ бўлмокда, балки ҳокимият ва давлатға ҳам ишонсизлик келтириб чиқаряпти. Сўнгги йилларда бу иллатға қарши курашиш бўйича қонунлар қабул қилиниб, янги тизим яратилди. Жамиятда коррупция муаммосини жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқадиган очик тизим ва муҳит яратилди.

Фракция аъзолари давлат раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар алоҳида тўхта экан, тарбияға алоҳида эътибор бериш, жумладан, мактабларда тарбия фани доирасида ўғил-қизлар алоҳида ҳалоллик, бировнинг ҳаққига хиёнат қилмаслик каби эзгу ёғларни содда тилда тушунтириб бориши кераклиғи бежиз таъкидланмаганини қайд этилди.

Болалиқдан бировнинг ҳаққидан қурқишни ўргатиш — ақдоқлар ўғити ва бу масаланинг фундаментал ечими, — деди фракция раҳбари Алишер Қодиров.

Йиғилишда фракция ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартришлар киритиш тўғриси-



Замонавий корпоратив бошқарув тизимиға ўтилади

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида маҳкумларни ахлоқдан тузатиш ишлари самарадорлигини оширишға қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чикилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг жазо ўташ муддатини ўзини ўзи тарбиялаш орқали тузатиш йўлиға ўтганини тасдиқловчи ҳаракатларни бажаргани муносабати билан камайитириши, шунингдек, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки енгилроғи билан алмаштириш масаласини ҳал этиш вақтида ҳисобға олинишини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартриш киритилмокда.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятиға эътибор қаратиб, уни иккинчи ўқишға тайёрлаш жараёнида депутатлар томонидан берилган ақсарият тақлифлар инобатға олигани ва ҳужжат матнида ақс этганини алоҳида айтишди.

Йиғилишда масъулият чекланган жамиятлар фаолиятини тақомиллаштиришға қаратилган қонун лойиҳаси ҳам атрофлича кўриб чикилди. Мазкур ҳужжатда масъулият чекланган жамиятларнинг фаолиятини янада тақомиллаштириш, мавжуд ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш, соҳаға ривожланган давлатларнинг таърибасини жорий қилишға оид ҳуқуқий нормалар ақс этмокда.

Масъулият чекланган жамият нафақат лицензия, балки бошқа ружхат этувчи ҳужжатлар ва хабардор қилиш тартибида фаолият турлари билан шуғулланиши мумкинлиғи, шунингдек, жамиятларнинг филиал ва ваколатхоналарини очиш тартиблари белгиланяпти.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жамият иштирокчилари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатларини янада мустаҳкамлаш, жамият фаолиятида замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этишға хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Шундан сўнг ҳомийлик фаолиятини амалға ошириш тартибин тақомиллаштиришға қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чикилди.

У ҳомийлик фаолияти субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмининг жорий қилиш, ҳомийлик ташкилотлари фаолияти очиклигини ва фуқароларнинг уларға нисбатан ишончини кучайтириш ҳамда ҳомийлик фаолиятини амалға ошириш учун пул маблағларини йиғишни қонуний тартибға солишни назарда тутди.

Лойиҳада ҳомийликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча механизмининг, ҳомийлик хайрияларини йиғиш, хайрия қутисини ўрнатиш ва ундан фойдаланиш тартиблари, шунингдек, ҳомийлик хайриялари тўғрисидаги ақборотни ошқор этиш ва бу жараёнинг очиклигини таъминлаш шартлари белгиланмокда.

Муҳокама жараёнида фракция аъзоси Иба Наризова юртимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик билан шуғулланиши кенгаётгани, лекин ҳомийлик хайрияларини йиғиш тартиби, мезонлари қонунлиқда аниқ белгиланмагани сабабли айрим шахслар ишончға кириб, манфаатдорлик пайда бўлаётганини таъкидлади. Бундай муаммоли ҳолатларнинг олдини олиш бўйича қонун лойиҳасида қандай таъсир чоралари назарда тутилатгани билан қизиқди.

Қонун ташаббускорлари лойиҳада ҳомийлик хайрияларини йиғиш тартибин бузишнинг олдини олиш, ҳомийлик ташкилотлари фаолиятининг шаффофлигини оширишға хизмат қиладиган меъёрлар белгиланаётганини маълум қилди.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Китоб ўқиган маҳкумнинг жазо муддати қисқартирилади

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига маҳкумларни ахлоқдан тузатиш ишлари самарадорлигини оширишға қаратилган қўшимчалар ва ўзгартриш киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чикилди.

Йиғилишда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишға тайёрлаш жараёнида масъул кўмита томонидан депутатлар берган тақлифлар асосида ундаги нормалар тақомиллаштирилгани қайд этилди.

Қонун лойиҳаси билан Жиноят кодексининг 73-моддаси тўртинчи қисмида қурсатилган шахс (бундан умрбод озодликдан маҳрум қилишға ҳукм этилганлар мустасно) суд ҳукми билан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ даврида ўзини ўзи тарбиялаш орқали тузалиш йўлиға ўтганда, яъни белгиланган тартибда китобларни ўқиб, имтиҳон топширган тақдирда, унга нисбатан тайинланган жазонинг ўташ муддати бир йилда ўттиз кунгача қисқартирилиши мумкин. Бунда ҳар бир ўқилган китоб учун жазонинг ўташ муддати уч кунға қисқартирилиши белгиланмокда.

Йиғилишда депутатлар томонидан қонун лойиҳасининг қабул қилиниши маҳкумларни ахлоқдан тузатиш, уларда жамият турмуши қоидалари ва аъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантириш борасидаги ишлар самарадорлигини оширишға хизмат қилиши таъкидланди. Ва қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди. Қайд этилганидек, у билан давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини қонунға хилоф равишда аралашгани учун маъмурий жавобгарлик белгиланмокда.

Фракция аъзоси Ботиралӣ Шодиевнинг таъкидлашича, қонун лойиҳаси нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиғи, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашға хизмат қилади.

Қизғин муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

«Халқ сўзи».

МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКА ОЛАМШУМУЛ МАСАЛА

Дунёнинг ривожланган давлатларида қайта тикланувчи электр манбаларини ривожлантиришға алоҳида эътибор қаратилмокда. Хусусан, 2024 йилда Хитой қайта тикланадиган энергия манбаларини ўрнатиш бўйича 2023 йилги рекордини янғиллади. Мамлакат умумий энергетик балансиға тахминан 277 ГВт қуёш энергияси ва қариёб 80 ГВт шамол энергияси қўшилди. Жорий йилда яна 273 ГВт қуёш ва 94 ГВт шамол энергияси қувватлари қўшилиши кутилмокда.

Халқаро энергетика агентлигининг ўтган йил кўзида эълон қилинган “Қайта тикланувчи энергия манбалари 2024” номли ҳисоботида 2024 йилдан 2030 йилгача бўлган даврда дунёда 5500 ГВтдан ортиқ қайта тикланувчи энергия янги қувватларини ишга тушириш режалаштирилгани қайд этилган. Бу — 2017 йилдан 2023 йилгача бўлган даврда қузаитилган ўсишдан деярли уч баравар кўп демек.

Дарҳақиқат, углеводород хомашёси захиравлари йилдан-йилға камайиб бораётган бир пайтда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш долзарб ҳисобланади. Бу йўналишда 170 дан ортиқ давлатлар махсус қонунлар ёки соҳаға оид миллий стратегияларни қабул қилгани ва энергетика тизимида қайта тикланувчи энергетика салмомини кескин ошириш режалаштирилгани бежиз эмас. Чунки самарадорлиғи паст ҳамда харажатлари юқори бўлган, атроф-мухитга салбий таъсир кўрсатиб, кўп ресурс

талаб этадиган, аъанавий йўл билан олинладиган электр энергиясидан “яшил” энергетикаға ўтиш ҳар бир давлатнинг тараққиётни барқарорлигини таъминлайди, десак, муболаға эмас.

Албатта, ҳар бир мамлакат географик жойлашувиға кўра, муқобил энергиянинг у ёки бу турига алоҳида эътибор қаратади. Ана шулардан бири — қуёш энергиясидан фойдаланиш ҳам тобора оммалашиб бормокда. Хусусан, “қуёшли уй”лар қуриш лойиҳаларига катта микдорда сармоя киритилмокда. Қуёшдан иссиқлик ва ёруғлик олиш ҳисобиға бундай уйлارда бошқа турдаги энергия манбаларининг 50 — 90 фоиз тежалишиға эришилмокда. Бундай уйлари қуриш нафақат Миср, Исроил, Туркия, Япония, Хиндистон, АҚШ каби иқлим нисбатан иссиқ ўлкаларда, балки Франция, Буюк Британия, Германия каби ўрта иқлимли давлатлар ва Швеция, Финляндия, Канада, АҚШнинг Аляска штати каби шимоллий ҳудудларда ҳам расм бўлмокда.

Ҳисоб-китобларға қараганда, агар ердаги чўллларнинг бор-йўғи 4 фоиз кўёш панеллари билан қопланса, ҳосил бўладиган энергия бутун инсониятнинг эҳтиёжини қондиришға етади.

Қайта тикланувчи энергия манбалари усуналаридадан фойдаланиш таърибаси шуни кўрсатмокдаки, уларни харид қилиш ва дастлабки фойдаланиш даврида харажатларнинг юқорилиғига қарамакдан, ўзини оқлайди. Масалан, Германияда

2050 йилға бориб мамлакат умумий энергетика балансида қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 50 фоизға етказиш кутилаётди.

Юртимизнинг бу борадаги имкониятлари жуда катта. Чунки заминимизда бир йилда қуёшли давр 300 кундан ортинки ташкил этса, шамол сзувчи ҳудудлар, микроТЭСлар қуриш учун қўлай тоғ дарёлари мавжудлиғи бу борадаги имкониятларини янада оширади. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда қайта тикланувчи электр манбаларини яратиш, яъни “яшил” энергетика соҳасини ривожлантириш йўналишида дадил қадамлар ташланмокда. Экспертларнинг баҳолашича, мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятлари 51 млрд. тонна нефть эквивалентига тенг. Бугунги кундаги мавжуд технологиялар 180 млн. тонна нефть эквивалентига тенг энергия олиш имкониятини беради. Бу — республикаимизда қазиб олинаётган ёқилғи ҳажмидан 3 баробарға кўп, демек. Бу эса атмосфераға 447 млн. тонна карбонат ангидрид, турли сульфатли бирикмалар, азот оксиди ва бошқа ифлослантирувчи моддалар ташланганининг олди олинишини билдиради.

Президентимиз 2024 йил 13 декабрь куни бўлиб ўтган энергетика соҳасида янги қувватларни ишга тушириш ва навбатдаги лойиҳалар қурилишға старт бериш маросимида кейинги саккиз йилда Ўзбекистон “яшил” энергетика ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишда кўзға кўрinar-

ли ютуқларға эришганини алоҳида таъкидлади. Бу соҳада бугунға келиб 3,5 минг мегаваттлик ёки 10 млрд. кВт-соатта тенг 16 та ийрик қуёш ва шамол электр қувватлари ишға туширилган, шунинг ҳисобиға 2024 йилда “яшил” энергия улуши 16 фоизға ошган. Мамлакатимизда 2030 йилға қадар яна 19 минг мегаватт “яшил қувват”ларни барпо этиб, қайта тикланувчи энергия улушини 54 фоизға етказиш режалаштирилган.

Жорий йилға “Атроф-мухитни асраш ва яшил” иқтисодиёт йили”, деб ном берилгани ҳам Ўзбеки

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш буткул қайта қўриб чиқилиб, одамларга комплекс ёндашув асосида профессионал ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими жорий этилди. 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизimini йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармонида биноан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, шунингдек, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар)ларда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари очилди. Қатор вазирликларда бир-биридан тарқоқ ҳолда бўлган ижтимоий хизмат ва ёрдамлар яхлит тизимга бириктирилди.

Таҳлил

Ҳар бир шахс тақдирига алоҳида ёндашув

Агентлик ташкил қилинишига қадар соҳа му- тахассис-экспертлари ҳамкорлигида ўз фао- лиятини ягона ижтимоий тизимни йўлга қўйган ўндан ортик давлатлар тажрибаси чуқур ўр- ганилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, юртимиз- да бу соҳа 30 йил олдинги тизим даражасида қўлиб кетган, фақат давлат ажратган пулни тарқатиш билан шугулланган, бошқа иш қил- маган. Бу айрим одамларни ўзини ўнглаб олишга эмас, боқимонданиликка ўргатиб қўйган. Аслида бу тизимнинг вазифаси аҳолини оғир ахволдан чиқариш ва жамиятда ўз ўрнини эгаллаши учун кўмак беришдан иборат бўли- ши керак.

Бугунги кунда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан хориж тажрибаси ўр- ганилган ҳолда мамлакатимизнинг барча ҳу- ду- дида “Инсон” ижтимоий хизматлар марказла- ри ва ижтимоий ходимлар фаолияти йўлга қўйилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг эҳтиёжлари ва мавжуд имкониятларини баҳо- лаш орқали уларга кўрсатиладиган ижтимоий хизматларни мувофиқлаштирувчи электрон модуль (e-case) ишга туширилди.

Электрон модуль ёрдамида ижтимоий ҳи- мо- яга муҳтож шахсларга ижтимоий иш (кейс) очиш, уларнинг эҳтиёжларини бирламчи ва комплекс баҳолаш орқали индивидуал режа- лар асосида ижтимоий хизмат ва ёрдамлар рўйхати шакллантирилди.

Амалдаги ногиронлиқни белгилашнинг тиб- бий моделида фуқароннинг соғлигини йўқот- ганлиги даражасига қараб ногиронлиқ белги- ланарди. Ижтимоий моделда эса фуқароннинг соғлигини йўқотганлиги билан бир қаторда жа- ми- ятда бино-иншоотлар, йўл инфратузилма- лари, жамоат транспортлари, таълим олиш, меҳнат қилиш сингари йўналишларда тенг равишда фойдаланиш учун тўқсиз муҳит яратилгани инобатга олинди.

Ижтимоий моделнинг асосий мақсади шах- снинг соғлигини тиклаш билан бирга, жамият фаолиятида бошқалар сингари тўқсизликсиз иштирок этиши учун шароит яратилишидир. Жа- ми- ят ногиронлиги бўлган шахсларнинг имко- ниятларига қанчалик мослаштирилган бўлса, ногиронлиқ даражаси ҳам шунча камайд.

Жамиятга уйғунлашув — асосий мезон

Ижтимоий ҳимояни ҳамма ҳар хил тушу- нади. Бировлар буни имтиёз деса, бошқа- лар зарурат деб билди. Хатто шу соҳада бир умр ишлаб келган ходимлар ҳам уни давлат томонидан кўрсатилаётган марҳамат сифатида қабул қилган. Ижтимоий ёрдам- нинг манзиллилиги ва натижадорлигини таъ- минлаш ҳаёлига ҳам келмаган. Натижада кўпинча маълум сийловлар эвазига меҳнат- га лаёқатли кишиларга ҳам нафақа тўлаб ке- линган. Ногиронлиги борларни тиббий ва ижтимоий реабилитация қилиш, касбга ўргатиш орқали ҳаётга қайтаришга етарлича эътибор берилмаган.

Энди давр ўзгарди, жамиятимизда инсон манфаатларига хизмат қилиш, халқнинг рози- лигига эришиш таъминилари бош мақсадга ай- ланди. Ҳозирги пайтда маҳаллаларда жорий этилган “маҳалла етчилиги” ягона саволнома асосида ҳар бир ҳонадонга кириб, оиладаги муаммо ҳамда имкониятларни ҳисобга оляпти ва кўрсатилган манзилли ёрдамдан сўнг ҳо- надонда нима ўзгарганини мониторинг қилиб бормоқда.

Кам таъминланган оилаларнинг манзилли ўрганилиши уларга бериладиган маблағни қисқартиршиш учун эмас, балки уни ўз эгасига — ҳақиқий муҳтожларга бериш ва жамиятга интеграция қилиш имконини яратди. Ҳозир- гача доимий даромадга эга оилалар бундай тоифадан чиқарилди. Рақамлаштириш ҳисо- бига ўриндан тура олмайдиган, ўзгалар пар-

варишига муҳтож ёлғиз кишиларга ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни жа- ми- ятга интеграциялаш учун агентлик томони- дан 40 дан зиёд турдаги ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш йўлга қўйилди. Мурувват билан чиққан ногиронлиги бўлган шахсларга протез-ортопедия мосламалари ва реабили- тация қилишнинг техник воситалари билан таъ- минлаш учун сертификат расмийлаштирилди. Бундан ташқари, агентлик ходимлари меҳнат- га лаёқатли ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш билан бирга уларни касбга тайёрлашга ҳам йўналтирмоқда.

Аммо айтиш жоизки, айни пайтда ижти- моий ҳимоя тизими томонидан кўрсатилади- ган хизматлар кўламиндан кўпчилик хабардор эмас. Ногиронлиги бор фарзандини парвариш- лаш нафақасини олиши мумкин бўлган кўпчи- лик ота-оналар ушбу имтиёздан фойдалан- маяпти. Шунинг учун бу борада тарғибот иш- ларини кучайтириш лозим.

«Ҳаёт мактаби» — келажак сари яна бир қадам

Эндилиқда вояга етмаганларга ижтимоий- ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари “ҳаёт мак- таби” сифатида тарбияси оғир болаларнинг муаммолари билан ишлаяпти, уларни ижти- моий ҳаётга мослаштириш бўйича комплекс ишлар олиб борапти. Ҳокимликлар ҳузурида- ги Васийлик ва ҳомийлик комиссиялари туга- тилиб, уларнинг ваколати “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларига ўтказилди. Васийлик, ҳомийлик, патронатга олинган ҳамда оилавий болалар уйларидаги ўғил-қизлар билан маҳал- ладаги ижтимоий ходимлар шугулланмоқда. Улар ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг бола олдидagi мажбуриятини қай даражада бажараётганини мониторинг қилиб, баҳолаб боради.

Бугунги кунда қўйи бўғин эътиборсизлиги оқибатида жойларда қаровсиз қолиб кетган болалар аниқланиб, рўйхатга олинмоқда. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола- ларни эътибордан четда қолдирмаслик чо- ралари кўриломоқда. Ота-онани миграцияда бўлган, ноқулай ижтимоий муҳитдаги оила- ларда тарбияланаётган, рухий-жисмоний ри- вожланишида камчиликлари бор болаларга ёрдам тизими таъминлаштирилмоқда. Ало- ҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болалар пси- хологик-тиббий-педагогик комиссия текши- рувидан ўтказилиб, таълимга жалб қилинаёт- ти. Эксперимент тарихидага васийликка, ҳомийликка, оилага тарбияга (патронат) ҳамда оилавий болалар уйига берилган ўғил- қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаат- ларини мониторингдан ўтказиш тизими жо- рий этилди. Жисмоний, ақлий, сенсор ёки рухий нуқсонлари бўлган, таълимга жалб қилинмаган болалар орасидан алоҳида таъ- лимга эҳтиёжи борлар аниқланиб, рўйхатга олинмоқда.

Етим ва ота-она қарамоғида бўлмаган ёшлар тадбиркорлик ва касб-ҳунарга ўқитил- моқда, уларга деҳқончилик учун ер берил- моқда. Олийоҳни тамомлаган, ота-она меҳ- ридан маҳрум бўлган ёшларни давлат ташки- лотларига ишга жойлаштириш бўйича тизим яратилди. Ёшларга ҳамроҳлик дастури асо- сида бундай ёшлар 23 ёшгача қўллаб-қув- ватланмоқда.

Имконияти чекланганларга чексиз имконият

— Ўзбекистон 2021 йилда Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги кон- венцияга қўшилган ва белгиланган мажбури- ятларни бажариш бўйича тизимли ишларни амалга оширмоқда, — дейди Ижтимоий ҳи- мо- я миллий агентлигининг жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи Дилфу- забегим Рўзметова. — Шундан келиб чиққан ҳолда имконияти чекланган болалар қатнай- диган мактаб ва боғчаларни инклюзив таъ- лимга мослаштириш дастури амалга оширил- моқда. Ногиронлиги бўлганлар орасида спортни ривожлантиришга алоҳида урғу берилмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахсларни ўқитиш, ишга жойлаш бўйича тўқсиз муҳит яратиш учун уларнинг “меҳнатга лаёқатини белгилаш” амалиётидан воз кечилди. Эндилиқда ишлаш ва касб-ҳунарга ўқитишда ногиронлик касал- ликка эмас, балки шахснинг мустақил ҳаракат- ни, мулоқот қобилияти ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокига қараб белгиланмоқда. Ҳозир кор- хона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятдаги иштироки кўрсаткичи йилдан-йил- га ошмоқда. Жорий йилнинг охиригача яна 20 минг нафар ана шундай шахс иш билан таъминланади.

Жамиятимизда ижтимоий хизмат ва ёрдамларнинг манзилли ташкил этилиши иж- тимоий ҳимояга муҳтож аҳолини аниқлаш тартиби ва улар билан ишлаш тизимини туб- дан ижобий томонга ўзгартирди. Чўнки бу тизим эҳтиёжманд фуқароларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига имкон яратмоқда. Иж- тимоий ҳимоя миллий агентлиги ходимлари бугун халқ орасига кириб бориш асносида инсонларнинг дарду ҳасратидан боҳабар бўлаётгани, муаммоларига ечим топаётгани- нинг ўзи қувонари ҳол. Эҳтиёжманд тоифа- ни аниқлаш юзасидан ишлаб чиқилган ме- зонлар ва муҳтожларнинг ҳар бири бўйича тузилган индивидуал ижтимоий хизматлар дастури уларнинг айнан қандай ёрдамга мух- тожлигини кўрсатиб бермоқда. Улар асоси- да олиб борилаётган ишлар юрдошлари- мизнинг эртанги кунга ишончини янада мус- таҳкамлаб, ҳаётдан рози яшашига замин яратмоқда.

Нуруллоҳ ОСТОНОВ
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

TANLOVDA ISHTIROK ETISH UCHUN TAKLIFNOMA

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 9-avgustdagi tegishli farmoyishiga muvofiq Toshkent shahar hokimligi “Yagona buyurtmachi xizmati” inijining kompaniyasi buyurtmachiligidagi “Yangi O'zbekiston” bog'iga tutash hududda mehmonxonalar majmuasi hududini ichki, oqova suv tizimiga ulash hamda ichki yo'llarni qurish” (keyinchalik “Obyekt” deb yuritiladi) ishlarini amalga oshirish, bunda pudratchilarni ichki tanlov orqali eng yaxshi takliflar asosida aniqlash belgilangan.

Shu sababdan, Sizni ichki tanlovda ishtirok etish hamda o'z taklifingizni taqdim etishingizni so'raymiz.

Tanlashni o'tkazish shakli: eng yaxshi takliflarni tanlash orqali aniqlanadi.

Ishning batafsil tavsifi: “Yangi O'zbekiston” bog'iga tutash hududda mehmonxonalar majmuasi hududini ichki, oqova suv tizimiga ulash hamda ichki yo'llarni qurish”.

Boshlang'ich narx: 13 639 424 102 so'm (QQS bilan).
Ishlarni tugallash muddati: 150 kun.

Tanlash o'tkaziladigan joyning manzili: Toshkent sh., I.Karimov ko'chasi, 16-“A” uy, 409-xona.

Savdolari qatnashchilarga tanlov quyidagida ishtirok etishga ruxsat berilmaydi:

— qayta tashkil etilish (bo'linish, qo'shilish), tugatish yoki bankrotlik arafasida turganlar;

— mol-mulki musodaraga olinganlar hamda muassislik kelishuv, moliyaviy ishtirok, xulsdan va boshqa shaklda ifodalangan bevosita tashkiliy-huquqiy

yoki bir-biriga moliyaviy qaramligi mavjudlar.

Obyektni moliyalashtirish manbasi: Toshkent shahar mahalliy budjetining qo'shimcha manbalari hisobidan.

Qo'shimcha ma'lumotlarni quyidagi manzildan olishingiz mumkin: Toshkent shahri, I.Karimov ko'chasi, 16-“A” uy, 409-xona. Telefon: 71-239-17-50.

Takliflarini topshirishning oxirgi muddati **2025-yil 17-mart soat 12.00 ga qadar.**

Taklifni manzilga chiqib o'rgangan holda berishingizni so'raymiz, bunda taklif muhrlangan konvertda bo'lishi va quyidagilarni o'z ichiga olgan bo'lishi lozim, jumladan: **Obyekt bo'yicha ishlarni bajarishga narx taklifi, kafolat xati, budjet va budjetdan tashqari maqsadli jamg'armalar oldida soliq qarzi yo'qligi haqidagi ma'lumotnoma (Soliq qo'mitasi tomonidan QR kodli hamda tanlov o'tkazish davrida olingan bo'lishi lozim).**

Tanlov hujjatlari va namunalar elektron ko'rinishda taqdim etiladi.



Ҳамюртимиз халқаро мусобақа голиби

Таиланднинг Паттайя шаҳрида слаломда эшак эшиш бўйича халқаро мусобақада стартга чиққан Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Анвар Клевлеев олтин ҳамда кумуш медалларга сазовор бўлди.



Канозчимиз дастлаб “Sea Open” мусобақасида кумуш, сўнгра “Thailand open” турнирида олтин медалга соҳибига ай- ланди.

Энди ҳамюр- таримиз ушбу шаҳарда ташкил этиладиган “U18” ва “U23” ёш тоифаларидаги қитъа биринчиликларида қатнашади.

Ёш дзюдочиларимиз «Alibayli Cup» пешқадами

Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида ўсмирлар ва кичик ёшдаги ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнир ўз якунига етди.



Ўзбекистон дзюдо федера- цияси хабар беришича, аня- навий тарзда ўтказиб кели- наётган “Alibayli Cup” турни- рида мезбонлардан ташқари Россия, Қозоғистон, Тожи- кистон, Туркия, Грузия син- гари ўнга яқин давлатлардан ёш дзюдочилар иштирок этди.

Озарбайжон Ёшлар ва спорт вазирлиги ҳамда мам- лакаат дзюдо федерацияси билан ҳамкорликда уюштирил- ган турнирда Ўлмас Гулйиев мураббийлигидаги “Дипло- мат” дзюдо клуби тарбияланувчилари ҳам муваффақият- ли қатнашиб, клублар ўртасида медаллар жамғариш бўйи- ча (4 та олтин, 1 та кумуш, 2 та бронза) умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллашди.

Чавандозлар бордир бу элда


Пойтахтимизда конкур бўйича “Uzbekistan global tour” мусобақасининг иккинчи босқич беллашувлари бўлиб ўтди.



Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан таш- риф буюрган моҳир ча- вандозлар иштирокидаги беллашувлар кизиқарли чиқишларга бой бўлди. Якунда Хуршидбек Алимжонов “А” (130 см., “Champions liga” лақаб- ли отда), Алишер Эрки- нов “Д” (115 см., “Etos”), Дилшод Шокиров “Б” (105 — 110 см., “Javita”), Алишер Йўлдошев “Э” (100 см., “Sheflub”), Севинч Назарова “С” (100 см., “Elis Dji”) ва Азиза Одилова “Ф” (80 см., “Safina”) тоифаларида голиб- ликни қўлга киритди.

Хотира турнири совриндорлари

Тошкент вилоятида велоспортнинг шоссё йўналиши бўйича В. Искандаров хотирасига бағишлаб ўтказилган мусобақа якунланди.



Катталар ва ёшлар ўртасида уюштирилган мазкур мусобақада Сурхондарё вилояти спортчилари унга олтин медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи бўлди.

Шу билан бирга, турнир даво- мида Жиззах вилояти жамоаси бит- тадан олтин ва бронза, иккита ку- муш медалларига эга чиқиб, умум- жамоа ҳисобида иккинчи бўлди. Тошкент вилояти велоспортчилари эса бешта бронза билан кучли учликдан жой олди.

Мусобақа давомида Самарқанд вилояти жамоаси ик- кита бронза, пойтахт ҳамда Сирдарё вилоятлари жамоа- лари биттадан бронза медалига сазовор бўлди.

«Халқ сўзи».

«AgroWorld Uzbekistan — 2025»: ИЛҒОР УСКУНА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ

Пойтахтимиз- даги “Ўзэкспо- марказ” Миллий кўргазмалар маж- муида “AgroWorld Uzbekistan — 2025” йилгирманчи халқаро кўргаз- маси бўлиб ўтмоқда.

“Itaca Exhibitions” халқ- аро кўргазма ком- панииси ва унинг ҳамкори “ICA Eurasia Group” то- монидан маҳаллий ҳамкорлар кўмағида ташкил этил- ган ушбу тадбирда Ўзбекистон, Бельгия, Венгрия, Германия, Дания, Хиндистон, Испания, Италия, Қозо- нистон, Хитой, Корея Республикаси каби мамлакатлардан 130 дан ортик компаниялар қатнашаётир.



Кўргазма

Тадбирнинг очилиш маросимида таъкид- ланганидек, иштирокчилар қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш, чорва моллари ҳамда паррандаларни кўпайтиришдан тор- тиб, йилгирманчи, қайта ишлаш ва саклаш- гача бўлган жараёндаги асбоб-ускуналар ҳамда технологиялар билан танишиш имко- ниятига эга бўлади.

Айтиш жоизки, бу йилги кўргазмада Япо- ниянинг таъкил савдонни ривожлантириш ташкилоти (JETRO) илк бор қатнашаётгани эътиборга моликдир. Ушбу компания агро- саноат сектори учун инновацион ечимларни тақлиф этувчи 13 та етакчи япон компания-

сининг имкониятлари ҳамда манфаатлари- ни намоян қилади.

Бундан ташқари, Испаниянинг “Agricola” корхонаси вакиллари меваларни саралаш ва қайта ишлаш, Италиянинг “ROTA GUIDO” компанияси мутасаддилари эса тайёр чорвачилик фермаларини қуриш ускуналарини таъбири қилишяпти.

Аънауга мувофиқ, давора дишараси, яъни бугун Фермерлар кунини ўтказилади. Унда кўргазма иштирокчилари фермер ҳамда деҳқон хўжаликлари раҳбарлари, бош мутахассислар билан учрашади.

«Халқ сўзи».

Пойтахтимизда Ўқитувчилар олимпиадасининг республика босқичи бўлиб ўтмоқда.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашир индекси — 229. Буюртма Г — 242. 15 407 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоз бичими А—2. Баҳоли қилинган нархда.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларини оқиб олтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қотиббаш 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Тахририятга келган кўлаёмалар тақриз қилинмайди ва мустақилга қайтарилмайди.

Газетанинг тақриз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаъобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термалар ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳижатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.55 Топширилди — 01.35 1 2 3 4 5 6